БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-йил чиқиши
№ 196 (1458)
4 ОКТЯБРЬ
ЯКШАНБА
1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг буюк илҳомчи ва раҳбар кучи бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

## Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигига

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллиги!

2. Инсоният тарихида янги давр — капитализмнинг емирилиши ва социализмнинг тантанаси даврини очган Улуғ Октябрга шон-шарафлар бўлсин!

3. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг зафарли байроғи, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг қудратли ғоявий қуроли бўлган марксизм-ленинизм!

4. КПСС XXI съезди Ватанимиз коммунизм қуришни кенг авж олдириш даврига киришини бошлаб берди. Совет Иттифоқи халқлари! Бутун куч, бутун ғайрат — коммунистик қурилишнинг улуғ вазифаларини бажаришга қаратилсин!

5. Барча мамлакатларнинг қардош коммунистик ва ишчи партияларига — ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг тинчлик, халқларнинг миллий мустақиллиги учун, демократия ва социализм учун курашдаги авангардига оташин салом! Яшасин коммунистик ва ишчи партияларнинг мустаҳкам бирлиги ва жипслиги!

6. Барча мамлакатлар ишчилар синфи ва меҳнаткашларининг ҳаракат бирлиги мустаҳкамлансин! Яшасин тинчлик, демократия ва халқлар мустақиллиги учун курашда меҳнаткашларнинг барча ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик!

7. Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги! Пролетар интернационализми байроғи баланд кўтарилсин!

8. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

9. Тинчлик учун, демократия учун, социализм учун курашаётган ҳамма халқларга қардошлик саломи!

10. Барча мамлакатларнинг халқлари! Тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш замонимизнинг асосий масаласидир! Халқлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва ҳамкорлик бўлиши учун!

11. Жаҳон халқлари! Ҳамма давлатларнинг ёппасига ва тўла қуролсизланиши учун, атом ва водород қуроли синовларини дарҳол тўхтатиш ва бу қуролларни абадий тақиқлаш учун курашингиз!

12. Жаҳон халқлари! «Совуқ уруш»ни батамом тугатишга ва халқаро кескинликни юмшатишга эришингиз! Иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тезроқ тугатиш учун! Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва Ғарбий Берлиндаги оккупация режимини йўқотиш учун!

13. Яшасин жаҳон социализм системаси! Социалистик лагерь мамлакатлари халқларининг улуғ ҳамкорлиги мустаҳкамлансин ва яшнасин!

14. Социализм қураётган улуғ хитой халқига қардошлик саломи! Яшасин совет ва хитой халқларининг бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги — бутун дунёда тинчликнинг қудратли таянчи!

15. Социализм қураётган Албания Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва албан халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

16. Социализм қураётган Болгария Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва болгар халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

17. Социализм қураётган Венгрия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва венгер халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

18. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик негизларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва вьетнам халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

19. Яшасин Германия Демократик Республикаси — бутун Германия прогрессив кучларининг тинчлик учун, бирлашган демократик ва тинчликсевар Германия учун курашдаги таянчи! Социализм қураётган Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Совет ва герман халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамлансин!

20. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик негизларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва корейс халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

21. Социализм қураётган Мўғулистон Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва мўғул халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

22. Социализм қураётган Польша Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва поляк халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

23. Социализм қураётган Руминия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва румин халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

24. Социализм қураётган Чехословакия Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва чехословак халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

25. Югославия Федератив Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Тинчлик ва социализм учун кураш манфаатлари йўлида совет ва югослав халқларининг дўстлиги мустаҳкамлансин!

26. Улуғ ҳинд халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамлансин!

27. Империализмга қарши, тинчлик ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Индонезия, Бирма, Цейлон, Камбоджа халқларига қизғин салом!

28. Афғон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Афғонистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

29. Империалистларнинг кирдикорларига қарши, мустамлакачиликни батамом тугатиш учун, ўз давлатларининг миллий мустақиллигини ва суверенитетини мустаҳкамлаш учун курашаётган Араб Шарқи халқларига қизғин салом!

30. Ўз эркинлиги ва миллий мустақиллиги учун курашаётган Африка халқларига қизғин салом! Мустамлака ва қарам мамлакатларнинг барча мазлум халқлари озод бўлсинлар!

31. Тинчлик ва халқлар ўртасида ҳамкорлик учун, ўз миллий мустақиллиги учун, империализмга қарши курашаётган Лотин Америкаси халқларига қизғин салом!

32. «Совуқ уруш»ни тугатиш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш йўлида Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатлари халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги яшасин!

33. Совет Иттифоқи ва Англия халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

34. Яшасин Совет Иттифоқи ва Франция халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

35. Германия Федератив Республикасининг милитаризм ва фашизмнинг тикланишига қарши курашаётган меҳнаткашларига ва барча прогрессив кучларига қизғин салом!

36. Яшасин Совет Иттифоқи ва Италия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар!

37. Яшасин Совет Иттифоқи ва Финляндия Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

38. Совет халқи билан Швеция, Норвегия, Дания, Исландия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

39. Яшасин Совет Иттифоқи ва Австрия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

40. Ўз территориясидаги чет эл ҳарбий базаларини тугатиш учун, мамлакатнинг демократик ва мустақил ривожланиши учун, барча қўшни давлатлар билан дўст бўлиб, тинчликда яшаш учун курашаётган япон халқига қизғин салом!

41. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати — ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсати, тинчликни ва халқлар хавфсизлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳамма мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсати!

42. Яшасин тинчликни, Ватанимизнинг давлат манфаатларини ва хавфсизлигини ҳушёр қўриқлаб турган, шон-шуҳрат билан қопланган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

43. Яшасин совет тузумининг мустаҳкам ва бақувват негизи бўлган ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи!

44. Яшасин ва яшнасин кўп миллатли социалистик давлатимиз куч ва қудратининг манбаи бўлган СССР халқларининг қардошларча дўстлиги!

45. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Мамлакатимиз экономикасини ва маданиятини тағин ҳам зўр куч билан юксалтиришга, социалистик Ватан қудратини янада мустаҳкамлашга эришайлик! Коммунизм қуришда янги ғалабалар сари, олға!

46. Яшасин тарихда биринчи бўлиб Ойга космик ракета учириш билан Ватанимизнинг шуҳратини чиқарган, инсоннинг космосни забт этишида янги давр очган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари, ишчилари!

47. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари! Капитализм билан тинч мусобақада қисқа тарихий муддатда ғалаба қозонайлик! Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқаришда АҚШга ва бошқа капиталистик мамлакатларга етиб оламиз ва ўзиб кетамиз!

48. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир корхона ва қурилишнинг, ҳар бир колхоз ва совхознинг етти йиллик планни муддатидан олдин бажариши учун курашингиз! Етти йилликни муваффақиятли бажариш — халқнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада ошириш гаровидир!

Умумхалқ социалистик мусобақаси кенг қулоч ёйдирилсин!

49. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қисқартирилган иш кунига ўтиш — СССРда жаҳонда энг қисқа иш кунига ўтиш йўлидаги муҳим босқичдир. Меҳнат активлигини ва социалистик меҳнат интизомини тағин ҳам юқори кўтарайлик!

Яшасин 7 соатлик иш куни!

50. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Юксак меҳнат унумдорлиги учун, техникани тараққий эттириш учун курашингиз! Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш учун, техникада консерватизмга, турғунликка, қолоқликка қарши курашингиз!

51. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Мусобақа илғорларининг, ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибаларини кенг ёйингиз ва жорий қилингиз, рационализаторлар ва ихтирочилар оммавий ҳаракатини ривожлантирингиз! Ишлаб чиқариш қувватларидан ва халқ хўжалигининг резервларидан яхшироқ фойдаланингиз!

52. Коммунизм қурувчиларнинг биринчи сафларида бораётган коммунистик меҳнат бригадаларига, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар бўлсин!

53. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Капитал маблағлардан ва моддий ресурслардан рационал фойдаланингиз, давлат интизомига риоя қилиш учун, план топшириқларини тўла ва ошириб бажариш учун зўр бериб курашингиз!

54. Ишчилар, инженерлар, техниклар ва мастерлар! Ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини бутун чоралар билан яхшилангиз, корхоналар ва қурилишларнинг бир меъёрда ишлашини таъминлангиз!

55. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Граммлардан тонналар, тийин ва сўмлардан миллионлар ва миллиардлар ҳосил бўлади! Катта ва кичик ишларнинг ҳаммасида, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида тежангиз, маҳсулот сифатини оширингиз, унинг таннархини камайтирингиз!

56. Оғир саноат — бутун халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг, халқ фаровонлигини оширишнинг ва Ватанимиз мудофаа қувватини мустаҳкамлашнинг асосидир! Оғир индустрия ходимларига шон-шарафлар бўлсин!

57. Совет металлурглари! Ишлаб чиқариш техникасини ва технологиясини такомиллаштирингиз! Янги руда конларини ўзлаштириш суръатларини оширингиз! Халқ хўжалигига кўпроқ руда, чўян, пўлат, прокат, рангли ва нодир металлар берингиз!

58. Машинасозлик ходимлари! Иш унуми юқори бўлган энг янги машиналар ва ускуналар ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштирингиз! Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини техника билан қайта қуроллантириш учун, автоматлаштирилган технология процессларини кенг жорий қилиш учун зўр бериб курашингиз!

59. Нефть ва газ саноати ходимлари! Нефть ва газ чиқариш ва янги конларни ўзлаштириш суръатларини тинимсиз оширингиз! Нефть маҳсулотларини қайта ишлайдиган заводларнинг қувватини кўпайтирингиз, нефть маҳсулотларининг сифатини яхшилангиз! Мамлакатга кўпроқ нефть ва газ берайлик!

60. Кўмир саноатининг ходимлари! Комплекс механизацияни ва кўмир қазиб чиқаришнинг самарали усулларини кенг жорий қилингиз! Меҳнат унумдорлигини оширингиз, кўмирнинг таннархини камайтирингиз ва сифатини яхшилангиз!

61. Совет энергетиклари! Электростанциялар ва электр шохобчаларининг қурувчилари ва монтажчилари! Янги энергетика қувватларини тезроқ ишга туширингиз ва ўзлаштирингиз! Мамлакатга кўпроқ электр қуввати берайлик!

62. Кимё саноати ходимлари! Янги қувватларни тезроқ ишга туширингиз, кимё маҳсулотларининг ассортиментини кенгайтирингиз! Мамлакатга кимёвий хом ашёдан ясалган юқори сифатли ва арзон молларни кўпроқ берайлик, қишлоқ хўжалиги учун кўпроқ минерал ўғитлар берайлик!

63. Совет бинокорлари! Янги корхоналар, уйлар, касалхоналар, мактаблар ва болалар муассасаларини қуриш суръатларини оширингиз! Қурилишнинг индустриал методларини кенг жорий қилингиз! Яхши, чиройлик, арзон қилиб қурингиз!

64. Бинокорлик материаллари саноати ходимлари! Ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, бинокорлик материаллари сифатини яхшилангиз! Етти йиллик қурилишлари учун кўпроқ цемент, йиғма конструкциялар ва деталлар берингиз!

65. Урмончилик, ёғочсозлик ва қоғоз саноати ходимлари! Мамлакатга юқори сифатли ёғоч, мебель, целлюлоза ва қоғозни кўпроқ берайлик!

66. Енгил саноат ходимлари! Меҳнаткашларга яхши ва чиройлик газламаларни, хушбичим кийимларни, чидамли нафис оёқ кийимларини ва бошқа кенг истеъмол молларини кўпроқ берайлик!

67. Озиқ-овқат саноати ходимлари! Озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтирингиз, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини оширингиз!

68. Балиқ саноати ходимлари! Балиқ овлашни кўпайтирингиз! Очиқ денгизларда ва океанларда балиқ овлашни авж олдирингиз! Ички сув манбаларидан кенг фойдаланингиз!

69. Совет транспорти ходимлари! Юкларни узлуксиз ташиб беришни таъминлангиз! Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилангиз! Транспортни техника жиҳатидан тезроқ реконструкция қилиш учун, механизация ва автоматизацияни кенг жорий қилиш учун курашингиз!

70. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини кенг ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Почта, телеграф, телефон, радио ва телевидениенинг бенуқсон ишлашига эришингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилангиз!

71. Маҳаллий саноат ва кооператив саноати ходимлари! Маҳсулот чиқаришни кўпайтирингиз, ишлаб чиқариш маданиятини оширингиз! Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни бутун чоралар билан яхшилангиз!

72. Колхозчилар! Жамоат хўжалигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз, колхоз бойлигининг асоси бўлган бўлинмас фондларни кўпайтирингиз! Колхозлараро ишлаб чиқариш алоқаларини кенгайтирингиз!

73. Колхозчилар, совхоз ва РТСларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари! Ватанга кўпроқ дон, гўшт, сут, жун, тухум, пахта, зиғир, қанд лавлаги, картошка, сабзавот, мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ берайлик!

74. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз, мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтирингиз, чорва молларнинг маҳсулдорлигини оширингиз, чорва моллар зотини яхшилаш ишларини кучайтирингиз! Аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетамиз!

75. Колхозчилар, қишлоқ механизаторлари! Илғор техникадан яхши фойдаланингиз, деҳқончиликда ва чорвачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялашни кенг жорий қилингиз!

76. Совхозларнинг ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирингиз ва таннархини камайтирингиз! Мамлакатнинг ҳамма совхозларини намунали ва юксак даражада рентабел корхоналарга айлантирайлик!

77. Қўриқ ерлардаги меҳнаткашлар! Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлангиз ва кўпайтирингиз, дон экинларидан муттасил мўл ҳосил олишга эришингиз, жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз!

78. Колхозчилар, совхозларнинг ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари! Хўжаликни режали қилиб бошқарингиз, ердан яхши фойдаланингиз, алмашлаб экишни тез жорий қилингиз! Деҳқончилик маданиятини бутун чоралар билан оширингиз! Ернинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда кўпроқ миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулоти олишга эришингиз!

79. Совет савдоси ва умумий овқатланиш ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатишнинг юксак даражада маданиятли бўлиши учун курашингиз, меҳнаткашларнинг талабини яхшироқ ўрганингиз ва уларнинг ўсиб бораётган талабларини тўлиқроқ қондирингиз!

80. Совет хизматчилари! Совет аппаратининг ишини такомиллаштирингиз! Меҳнаткашларнинг эҳтиёжларига ва талабларига диққат билан қарангиз! Совет аппаратининг юксак даражада уюшқоқлик билан ва пухта ишлаши учун курашингиз!

81. Фан ва олий мактаб ходимлари! Фанни янада яшнатиш учун, техникани тараққий эттириш учун курашингиз! Халқ турмуши билан жуда яқиндан боғланингиз! Коммунизм даврига муносиб мутахассислар тайёрлангиз!

Яшасин илғор совет фани!

82. Адабиёт ва санъат арбоблари! Ўз асарларингизда совет кишиларининг ҳаёти ва ишларини ёрқин акс эттирингиз! Асарларнинг юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорат учун курашингиз! Адабиёт ва санъатнинг халқ турмуши билан, ҳозирги замонимиз билан мустаҳкам, узулмас алоқада бўлиши учун курашингиз!

83. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш сифатини оширингиз, мактабнинг турмуш билан, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғланиши учун курашингиз! Ёш авлодни меҳнатга муҳаббат ва Совет Ватанига, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялангиз!

84. Медицина ходимлари! Халқ соғлиғини сақлашни яхшилангиз ва ривожлантирингиз! Даволаш ва санитария муассасалари ишида маданиятни оширингиз! Медицина фанининг энг яхши муваффақиятларини практикага жорий қилингиз!

85. Яшасин мамлакатимизда ҳокимиятнинг чинакам халқ органлари бўлган меҳнаткашлар депутатлари Советлари!

86. Совет касаба союзлари! Ишчилар синфи ва зиёлиларнинг ижодий ташаббусини ва активлигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз! Ишчилар ва хизматчиларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада юксалтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилингиз! Меҳнаткашларнинг куч-ғайратини етти йиллик планни бажаришга сафарбар қилингиз!

87. Яшасин коммунизмнинг актив қурувчилари бўлган совет хотин-қизлари!

88. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви, коммунизм қурувчи ёшларнинг илғор отряди бўлган Ленин комсомоли!

89. Коммунистлар ва комсомоллар! КПСС XXI съездининг қарорларини бажариш учун, СССРда коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

90. Комсомоллар, совет ёшлари! Коммунистларча яшаш ва ишлашни ўрганингиз! Ўзларингизда юксак маънавий хислатлар вужудга келтирингиз! Коммунизмнинг онгли ва ҳормас қурувчилари бўлингиз!

91. Пионерлар ва ўқувчилар! Билимларни ва меҳнат малакаларини қунт билан ва зўр бериб эгаллангиз! Лениннинг улуғ иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

92. Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!

93. Яшасин ва мустаҳкамлансин социалистик тузумнинг куч манбаи, коммунизм қуришда янги муваффақиятлар гарови бўлган Коммунистик партия билан совет халқининг бузилмас бирлиги!

94. Яшасин мамлакатларимиз халқлари дўстлигининг қалъаси, тинчлик, демократия ва социализмнинг мустаҳкам таянчи бўлган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

95. Яшасин жонажон Совет Ҳукуматимиз!

96. Яшасин коммунизм қуриш учун курашда совет халқининг буюк илҳомчи ва раҳбар кучи бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

97. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

98. Яшасин бутун инсониятнинг ёрқин келажаги бўлган коммунизм!

*Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети*

